

## IX. САВДО

2020 йил январь-мартда чакана савдо товар айланмаси 4207,9 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 %га ўсди.

### Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана савдо товар айланмаси

	млрд.сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида	Яқунга нисбатан % ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>4207,9</b>	<b>102,1</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	4207,3	140,4	97,0
нодавлат мулки	0,6	75,0	3,0

Савдо корхоналарининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми 2020 йил январь-март 359,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 83,8 % ошган.

Кичик бизнес ва яқка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо товар ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 3848,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,2 % ташкил қилган.


### 2020 йил январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида	Яқунга нисбатан % ҳисобида
<b>Чакана савдо товар айланмаси</b>	<b>4207,9</b>	<b>102,1</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	359,3	83,8	8,5
Кичик бизнес ва яқка тартибдаги тадбиркорлик	3848,6	104,2	91,5
Шу жумладан: уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	310,0	100,6	7,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 103,2 млрд. сўмга етди ёки 2019 йил январь-март нисбатан 94,7 % ўсди.

Чакана савдо товар айланмаси (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 100,6% ни ташкил қилди ва 1428,0 минг сўмни ташкил этди (2019 йил январь-март ойларида 1256,8 минг сўмни ташкил этган).

### Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши (%да)



### Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси

	минг сўм	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, %да
<b>Тошкент вилояти</b>	<b>1428,0</b>	<b>100,5</b>


шаҳарлар:

Нурафшон	2306,3	106,4
Олмалиқ	2883,2	101,0
Ангрен	1112,8	101,4
Бекобод	2891,8	101,4
Оҳангарон	2014,2	100,8
Чирчиқ	1413,5	103,5
Янгийўл	4497,7	100,3
<i>туманлар:</i>		
Оққўрғон	1651,0	98,6
Оҳангарон	681,3	101,7
Бекобод	585,8	101,3
Бўстонлик	1123,9	100,7
Бўка	1189,1	100,0
Қуйичирчиқ	675,7	100,1
Зангиота	2700,5	99,7
Юқоричирчиқ	1067,3	102,6
Қибрай	1352,1	99,7
Паркент	1112,6	101,6
Пискент	1005,7	99,0
Ўртачирчиқ	482,5	98,6
Чиноз	1432,0	99,2
Янгийўл	899,0	98,5
Тошкент	1311,2	99,1

2020 йил январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси вилоят бўйича аҳоли жон бошига 1428,0 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,5 %га кўпайган. Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 2020 йилнинг январь-март ойларида ўтган йилга нисбатан вилоятнинг деярли барча худудларида ўсиш кўрсаткичларини ташкил этиб, энг юқори кўрсаткичлар Янгийўл шаҳри (4497,7 минг сўм), Бекобод шаҳри (2891,8 минг сўм), Олмалиқ шаҳри (2883,2 минг сўм), ва Зангиота тумани (2700,5 минг сўм) ҳиссасига тўғри келади.


Шунингдек, аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси бўйича энг кам кўрсаткичлар Ўртачирчиқ тумани (482,5 минг сўм), Бекобод тумани (585,8 минг сўм) ва Қуйичирчиқ (675,7 минг сўм) туманида қайд этилган.

### Худудлар кесмида аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Савдо соҳасида 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони 12096 тани ташкил этиб, шундан 10367 таси ёки 85,7 % фаолият кўрсатаётганлар ва 1729 таси ёки 14,3 %, фаолият кўрсатмаётганларни ташкил этади.

Савдо соҳасидаги рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотлар сони  
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Савдо соҳасида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлар, %да

